

МИРКАРИМ ОСИМ

ЖАЙХУН  
УСТИДА  
БУЛУТЛАР





МИРКАРИМ ОСИМ

ЖАЙХУН  
УСТИДА  
БУЛУТЛАР

\*

Тарихий қиссалар

\*



ҒАФУР ФУЛОМ НОМИДАГЫ -  
АДАБИЁТ ВА САНЪАТ НАШРИЁТИ  
ТОШКЕНТ - 1977

Осим, Миркарим.

„Жайхун устида булулар“ ота-боболаринизнинг қадимги Эрон шоҳлари, мугул  
хониларига қарши олиб боргай курашини акс эттиради ва китобхонни машхур қаҳра-  
монлар, зулмат ичилади нур таратган фан ва адабиёт арблари билан таништиради.  
272 б. расм.

„Жайхун устида булулар“ ота-боболаринизнинг қадимги Эрон шоҳлари, мугул  
хониларига қарши олиб боргай курашини акс эттиради ва китобхонни машхур қаҳра-  
монлар, зулмат ичилади нур таратган фан ва адабиёт арблари билан таништиради.

Асимов, Миркарим. Тучи над Джайхуном:

Уз2

A 70303—72  
352(06)—75 1—75

## ТУМАРИС

### I

Чүл баҳор көлинчаги оёғи остига чечаклар билан безалган яшил поядозини ёйиб ташлаган. Түрғайлар ҳавода пириллаб күкламга мадҳия үқимоқда. Раңго-ранг капалаклар чечакларнинг хушбўй ҳидидан маст. Алла-қандай узун оёқли қушлар ўтлар орасида думларини ли-киллатиб, катта-катта босиб юради, тошбақалар буришиб кетган хунук бўйинларини ўтларга чузади, қўнғизлар эса орқаларига қараб юриб, тезакдан ясаган қумалоқларини аллақаёққа юмалатади. Қизғиш-қуңгир бир плон ўт орасидан ўрмалаб келиб, атрофни томоша қилаётгандек қаққайиб қолган юмроқозиққа ташланади, қушларга ухшаб чирқиллаб турган калтакесаклар қурқиб кегиб оёқлари билан қумлоқ ерини икки ёнларига чиқариб, тупроқ остига яширинади. Баъзан овуллар яқинидан кукраклари оппоқ сайфоклар гала-гала булиб чонисб ўтади, ер гумбурлаб кетади.

Ороң-денизининг жанубидаги шу бепоён чўлларнинг соҳиби булгап кучманчи мазагетлар келин кутмоқда. Умарнинг қароргоҳи байрам тусини олган. Ҳар ер-ҳар сўра гулхан қалангани, кийик ва қўй гўшти пишаётгани мис қозонлар гўё меҳмонларни сабрсизлик билан кутаётгандек шақир-шақир қайнамоқда.

Қабила бошлиғи Тумарис ўғли Сипарангизни шак уругидан Зарина деган бир қизга ўйлантирмоқда. Мазагетлар келинни олиб келадиган меҳмонларни кутиб олиш тараддунида.

Ёнлар меҳмонларга жой ҳозирламоқда, аёллар овқат пиширмоқда, янгалар ўтов хизматини ўтайдиган узун соябон араваларни безагмоқда...

Чарчаб гулхан ёнида утирган ёшлар узоқдан от чоптириб келаётган чопарни куриб, урниларидан сакраб туриб кетдилар.

— Келин... келин келаётир,— деб бақирди у ҳарсайлаб.— Қариялар олдинда... дарҳол кутиб олинглар.

Чопар сакраб эгардан тушди-ю, отини қозиқа боғлаб, бир чеккадаги катта гулхан яқинидаги чоллар олдига бориб ўтириди.

Бутун қароргоҳ оёққа қалқиб, азиз меҳмонларни кутишга ҳозирланди. Орадан күп ўтмай узоқда учи ингичка памат қалпоқ кийган отлиқлар күринди. Мазагет ёшлари шакларга пешвуз чикиб:

— Хуш келибсизлар, құноқлар, пойқадамларингизга ҳасанот,— дедилар ва отларини жиловидан ушлаб, эгардан тушишларига ёрдам бердилар.

Шаклар отдан тушиб, мазагет қариялари билан күришгандаридан кейин атрофи соябон аравалар билан қуршалған сайхон жойга, гулдор паматлар устига чордаға қуриб ўтирилар. Мезбонлар қүй терисидан қилинған супраларда пиширилған гүшт, мешларда қимиз келтира бошладилар.

Кун ботгандан кейин келин ва уннинг дугоналари тушған узун соябон аравалар етиб келди. Ҳар ер-ҳар ерга қаланған гулханларнинг олови гуриллаб, осмонни ёритиб юборди, ашулаларнинг авжи фалакка күтарилиди. Келин билан келған қыздар ва йигигларнинг ялласи, болаларнинг қий-чуви, хурсандликдан терисига сифмай қолған кишиларнинг шовқинига құшилиб кетди. Осмон баравар күтарилған гулханларнинг ёруғида үйин-кулги, зиёфат бошланди.

Вақт алла-палла бұлғанда, куёв билан келинни улар учун белгиланған соябон аравага чиқариш олдидан кураштириб қуришди<sup>1</sup>.

Бүйчан, бұғдой ранг, соchlары тим қора, күзлари чақнаб турған Зарина үзиннинг сахрои гүзаллиги билан бошқа аёллардан ажралиб турарди. У гулханлар ёруғида давра қуриб ўтирган йигит-қыздарға бир қараб олдиди, түрда, обрули кампирлар ва чоллар құршовида савлат тұқиб ўтирган Тұмарисга таъзим қилди, сұнgra қаршиисида курашга шайланиб турған чүзинчоқ юзли, күзлари катта-катта Сипарангизга тикилди. Қыз сочлашының рұмольча билан маҳкам танғиб, белини камар билан

<sup>1</sup> Бу үзбеклар орасында яқшынгача сақланиб келған «тортишма-чоқ»нинг ибтидои шаклы Эди.

**бөглаб** олган эди. Ү бехосдан келиб, йигитни белидан олди-да, чирпирак қилиб улоктириб юборди, йигит анча ергача гандираклаб бориб тиззалаф қолди, Қелиң томондан келган йигит-қизлар хурсанд бўлиб қийқириб юбордилар.

Куёв билан келин пайт пойлаб, бир-бирларининг атрофида ачагача айланиб юришди. Зарина эпчиллик билан Сипараангизга чаңг солиб уни чалиб юборди, йигит ёнбоши билан қаттиқ қийқилди-ю, лекин орқаси ерга тегмади, дарҳол сакраб туриб яна олиша кетди.

Бир-бирларини йиқита олмагандан кейин улар ўзларини совутиш учун айланиб юришди. Сицарангиз тетиклангандан кейин тұсатдан қизининг үнг құлига ёпиши-ди-ю, бир силтаб тортиб, хипча белидан маҳкам қисганича күкрагига кутариб олди. Қиз чап томонга ташлайды, деб мұлжаллаб турған эди, йигит унинг күнглидаги гапни англагандай, тиззаси билан қайириб, үнг томонга ташлади. Шу маҳалгача нафаслары ичларига тушиб кетған күёв томон йигитлари қийқириб юбордилар. Қизнинг яғрини ерга теккан эди, у қизариб-бузарыб үрнидан турғач, янгалар: «Яраш-яраш», — деб бақириб, келин билан күёвни аравага чиқариб қўйдилар.

Эртаси куни тонготар пайтида хаво айниб, қум бурони бошланғы. Ҳамма жониворлар саҳродаң келган қум уюрмаларидан ўзларини сақлаш учун ин-инларига беркинди, чүл ҳувиллаб қолди. Қум тұзонидан осмон қоронғилашди, күчманчилар араваларининг ҳамма ёғини беркитиб олдилар. Бурон бир соат давом этди, сұнгра қандай бехосдан бошланған бұлса, шундай тез тииди. Соғыбон араваларининг олды очилди, одамлар памат устига ёйилған құмларни қоқиб тушира бошладилар. Түргайлар ҳеч нарса бұлмагандек, яна чулдираб қүшиқларини айтишга киришди. Офтоб яна жилмайиб, чүл келинчаги устидан яна олтин тангалар соча бошлади. Баҳор наққоши яна құлига мүйқаламини олиб, табиат қўйнига зебо нақшлар сола бошлади.

Үғли билан келинига қараб, Тумариснинг севинчи ичита сиғмас эди. Бироқ ойнинг үн беши ёруғ бұлса, үн беши қоронги, деб бекорга айтмаганлар. Бахт осмонидан бир парча булат пайдо булиб, чүл маликасининг юрагини ғаш қила бошлади. Мамлакат чегарасидан келган чопарлар унинг ҳузурига Эрои шоҳининг элчиси келаётганидан дарак берган эдилар.

Кайхисравнинг әлчиси мулозимлари билан Ўкузининг<sup>1</sup> уиг қирғогига ўтиб, икки кун йўл юргандан кейин Тўмарис ҳузурига етиб келди. Ўотини секин юргизиб, устига оқ намат қопланган катта соябон арава олдида тұхтатди. Шу пайт эгнига ярғоқ теридан камзул кийган, камарига қилич ва ўқ-ёй осған намат қалпоқли бир паҳлавон йигит келиб, отиниг жиловидан ушлади ва әлчи әгардан тушгунча бир қули билан олтин узангини ушлаб турди. Худди уша йишиңга ўхшаб қуролланган икки аёл арава ёнига шолча солиб, таъзим қилгапларича қотиб қолдилар. Ёши қирқларга бориб қолган, чиройликкина бир аёл араванинг орқасидаги пардани кутарди-да, белидаги олтин камарга тақилган қиличини авайлаб ушлаган ҳолда палос устига сакраб тушди. Бу аёл мазагетлар мағикаси Тўмарис эди. Ярқироқ мис болта ушлаган икки қиз унинг икки ёнига келиб турди. Элчи Тўмарисни кўргач, икки қўлини ерга қўйиб, ер ўпдию, ўрнидан туриб таъзим қилди:

— Шаҳаншоҳи Эрон аъло ҳазратлари сен улуғ маликага беҳад салом ва совгалар юбордилар,— деди у баланд овоз билан.— Сенга соғлиқ, туман бойлик ва узоқ умр тилаб қолдилар.

Ү тумтароқли сўзлар билан Тўмарисни қуттуғлар экан, мулозимлари тилладуз чопон ва ҳарир кўйлаклар туғилган зарбоф бўғчани малика оёғи остига қўйдилар.

Тўмарис совгалар учун миннатдорчилик билдириб, Эрон шоҳининг соглигини сўради ва әлчининг йўлда қандай келганини суринштирди, сунгра шолча устига ташланган йўлбарс териисига ўтиришини таклиф қилди. Элчи ва унинг мулозимлари ҳам қатор қилиб солинган пустаклар устига ўтиридилар. Орадан кўп утмай, мезбонлар улар олдига чарм супра ёзиб, пиширилган қўй гўшти, балиқ, ғоз, ўрдак кабоб келтириб қўйдилар. Элчи билан ёнма-ён ўтириб, уни гапга солаётган Тўмарис овқатга манзират қилди.

Элчи овқат еб ўтирап экан, доимий овул ва шаҳарлари бўлмаган мазагетларнинг қўй ва йилқилар орасида жуда ибтидоий ҳаёт кечиришига, аёлларнинг эркаклардек қуроллангапига, маликанинг оддий одамлар қаторида ўтиришига ҳайрон қолар ва унинг турмушини сернақш

<sup>1</sup> Амударё ўтмишда шундай агаларди.

көшоноларда, зеб-зийнат ичида яшовчи Эрон шохиниң ҳаёти билан солищтиарди: «Шуя� малика булди-ю,— деб үйларди у:— үз фуқаролари билан ёнма-ен үтириб овқат ейди, соchlари ўсиб елкасига тушган йил-қичилар құл чүзиб, унинг олдидан ёғлиқ гүштни олиб ейдилар, на остида олтин тахти бор ва на бошида тожи. Аәлларининг эркаклар билан ёнма-ен үтириб, бир-бирла-рига гап отиб, гүшт чайнашларини қаранг. Бу хотинлар-шынг эрлари рашк нима эканини билмасалар керак. Тавба, аәл киши ҳам қурол тақадими? Буларда на құл бор ва на хизматкор, ҳаммалари топғанларини уртада баҳам күрадилар. Еввойи халқ-да! Құл бўлишдан бошқа нарсага ярамайди булар!»

Кайхисрав элчисини юбораётганды унга: «Агар Тұмарисни хотин қилиб олсан, унинг фуқароси уз-үзидан менга қарам бўлиб қолади, урушиб үтиришга ҳожат қолмайди. Сенинг вазифаиг менинг шу режамни рүёбга чиқаришга ёрдам беришдан иборатдир, тушундингми?»— деган эди.

Элчи ҳозир үз подшохининг топширигини бажариш учун бутун айёрлигини ишга солар, тилёгламалик қилиб, Тұмарисни мақтаб, кукларга кутарар эди:

— Оламда шу маҳалгача ҳеч бир заифа шундоғ улур мамлакатга ҳукмдор бўлмаган, ер юзи сендеқ адолатли маликани күрмаган,— дерди у кекирдагини чузиб.— Офтоб тангриси сенга ҳам ҳусн берибдур, ҳам шоншавкат. Агар сен үз тақдиринингни бизнинг шаҳаншоҳ тақдирни билан боғлассанг, дунёда ҳеч бир подшоҳ бизга бас келолмайдур.— Шу зайлдаги тұмтароқлы гаплардан кейин үз мақсадини очиқ баён этди:— Мен ёлғыз элчи эмас, совчи ҳам булиб келдим. Шаҳаншоҳи олам сенга ғойибона ошиқ бўлганлар.

Тұмарис овқат ейишдан тұхтаб қолди.

— Не дединг? Совчи булиб?

У Эрон шохининг қандай ниятда эканини энди тушуниб олган эди.

— Ҳа, совчи булиб,— такрорлади элчи бош эгиб.— Эрининг үлганинга бир йилдан ошди, хали ёшсан, гўзалсан. Фақат шаҳаншоҳи олам Кайхисрав каби улуғ ҳукмдорга муносиб қаллиқдурсан.

— Нима, унинг хотинлари ўлиб, ўзи сўққабош булиб қолдими?

— Йуқ, хотинларининг ҳаммаси соғ-саломат. Үл

кишига күёвга чиқсанг, сен бош хотин, барча хотинлари сенинг чүринг бұладилар.

Тұмарис қошларини чимириб, үйга толди. Агар у шоҳнинг совғаларини ва таклифини қабул қылса, халқининг бошига қандай кунлар келнини күз олдига келтириб, даҳшатга тушди.

— Шаҳаншоҳ менга әмас, менинг юртимга, бойлиғимга ошиқ бұлғандир,— деди Тұмарис захарханда қилиб.— Мен әмас, шу сербарака юртим унга керак булыб қолган. Сиз, әлчи жаноблари, үз тождорингизга бориб айтинг: мен унинг таклифини қатъяң рад этаман. Мен унга қаллиқ бұлишини, үз әлимни унга қул қилиб топширишини истамайман.

— Шаҳаншохнинг таклифларига рад жавоб беришдан аввал саркардалар ва улуғ оқсоқолларингнинг маслағатини олишинг, үйлашиб куришинг керак эди,— деди әлчи Тұмарисининг үйг-сұлида үтирган намат қалпоқли, ярғоқ теридан камзул кийган кишиларга истеңзо аралаш назар ташлаб.

— Бу тұғрида үйлаб бош қотиришининг ҳожати йүқ,— деди уруғ оқсоқолларидан бири.— Юртимизнинг улуги рост гапни айтди. Ҳумдорингга бориб: «Тұмарис сенга хотин, улуси қул бұлишини истамас әмиш», деб айт. Агар шаҳаншоҳ бизга меҳмон бұлыб келса, яхшилаб зиёфат қыламиз, оғига қирқ құчқор сұйымиз. Аммо қилич билан келса, бары аскарларини қириб ташлаб, уларнинг қонини үзігә ичирамиз.

— Улуғ шаҳаншохи Эроннинг шаъниларига ярашмайдыған гап бұлди,— деди әлчи бүриқиб кетиб. У қаттиқроқ бир гап айтмоқчи эди-ю, аммо ғазаб билан тикилиб турған чөхраларни күриб, тилини тишлиб қолди.— Улуғ тождор мени яхши ният билан юборған әдилар. Сизлар улуғ шаҳаншохнинг әзгу ниятларини пайқамадингиз. Бунинг оқибати сиз учун хайрли бұлmas.

— Агар әлчи бұлмаганингизда шул гапни айтған оғзинингизни құм билан тұлдирап әдим. Қаерда эканлигингизни унутмаң, жаңоб! Орқа-үнгингизга қараб гапириңг. Шаҳаншохи Эроннинг нияти бизта маълум бұлди,— деди ҳамон жаҳлдан тушмаган Тұмарис.— Бoshимиздан зар соғғанларингда хам биз әркінликни құллликка алиштирмаймиз.

Дастурхон атрофида үтирганлар:

— Рост гап!

— Ватандош аёлларимизнинг гапи бундай бўлади,— деб Тўмариснинг сўзини маъқулладилар.

Шу пайт узоқдан от дупури ва йигит-қизларнинг қий-қириғи эшитилиб қолди. Элчи хавотирланиб, чанг-тўзон кўтарилган томонга қаради.

— Қўрқманг, ўғлим Сипарангиз ўз қайлиғи ва дўстлари билан ширордан қайтиб келаётир,— деб элчинни тинчиди Тўмарис.— Яхшики бояги гапларингизни ўғлим эшиitmади, йўқса, терингизга сомон тиққан бўлур эди! Қизиққон, ғайратли йигит у.

Бир лаҳзадан сунг чўл шамолидан юzlари бир оз қорайган, кузлари чақнага, қора сочли уч чиройли қиз билан уч барваста йигит отларидан сакраб тушдилар ва Тўмариснинг олдига иккى оқ қўйруқ кийикни келтириб қўйдилар. Қизларнинг ҳам, йигитларнинг ҳам белларида ўқ ёй ва садоқларида ўқлари бор эди.

Элчи урнидан туриб, юzlари чўзинчоқ, кузлари катта, новчадан келган Сипарангизга таъзим қилди ва тумтароқли сўзлар билан ўзининг кимлигини эълон қилиб, унинг соғлиғини сўради. Сипарангиз у билан суранишб бўлгандан кейин, қайлиғи билан элчининг сўл томонига, йўлбарс териси устига ўтирди.

Тўй куни Сипарангиздан йиқилгани учун унга итоатгўй бўлиб қолган Зарина эрининг ёнида одоб сақлаб, унинг сўзларига қулоқ солиб ўтирас, ундан олдин гап бошлишни ўзига эп кўрмас эди.

Сипарангиз элчининг йўлда қандай келганлигини сўради, элчининг батафсил ҳикоясини тинглагандан кейин такаллуфсизлик билан Эрон шаҳаншоҳининг бойлиги, унинг қанча мулоzим ҳам қуллари, неча хотини борлиги ва ҳоказоларни суриштира бошлади. Элчи хинага бўялган соқолини сийпаб кулимсиаркан, саволларга батафсил жавоб бериб, шоҳнинг саройидаги урф-одатлар билан уни таништирди. Ешлар Эрон шоҳининг куз кўрмаган, қулоқ эшиitmagan зеб-зийнат ичидан яшаши, ичкилиқ базмлари тўғрисидаги ҳикоясини завқ билан тинглаб ўтирдилар.

— Шаҳаншоҳ зиёфатига таклиф этилган зардуз чопонли аъён-амалдорлар, ҳарир кийим кийган меҳмонлар, бегона юрт элчилари аввал олтин тахт устида ўтирган шоҳи оламга таъзим қилиб, ўзларига кўрсатилган ерга ўтирадурлар. Этакларини бар урган эпчил баковуллар ош тортар экан, белларига қирқтадан қунғироқ таққан

Еши соқиілар уларга олтин пиёлаларда шароб тутадилар.  
Бир тарафда созандалар..

Элчининг гапига дикқат билан қулоқ солиб үтирган  
бир йигит унинг сұзини охиригача тинглаб:

— Сиз шароб деган сұзни ишлатдінгиз, бу нима,  
бизға тушутириб беринг,— деди.

— Шароб узум сувидан тайёрлападиган ажойиб  
ишимлик, узи хуштаым, бир коса уриб олсангиз, вактингиз  
чоғ бўлиб, қулаверасиз.

— Ажойиб нарса экан,— деди бояги йигит сұлакайи-  
ни оқизиб.

Тұмарис қовоғини солиб үтирад, ёшлар элчининг  
хикоясими завқ билан тинглаётганига гаши келарди.  
Сипараңгиз Тұмариснинг авзойнга қараб, узи йуқлигіда  
опасининг кайфини бузған бир гап утганини пайқади.

Эртасиға у нима булғанини сұраб-сурыштириб биліб  
олди. У шоҳнинг таклиғини онасі қатъян рад этгани-  
ни эшишиб, хурсанд бұлған эса-да, бироқ элчиға нисбатан  
қаттиқ чора күрілмаганинга ҳайрон қолди.

— Элчининг қулоқ-бурнини кесиб жупатиш ке-  
рак,— деди у қатъий қилип.

— Бундай қилиш ярамайды. Элчіда айб йук. У үз  
қулоғига қыйиб қүйилған гапларин гапирди, холос. Ях-  
шиси, келтирған совға-саломини қулиға бериб жупата-  
миз, шунинг үзи шоҳга тарсаки бўлиб тушади,— деди  
Тұмарис.

## II

Марғиён<sup>1</sup>ни, Сұғдия<sup>2</sup>ни ишгол қилған Кайхисрав уз  
қушини билан Үкузниң чап қирғоғига келиб чодир қур-  
ған зди. У Тұмарис ҳузуридан қайтиб келған элчисининг  
маърузасини тиғлаб, мақр-хийла билан мазагетларин  
асорат занжириға тушириш мүмкін әмаслигини пайқади  
ва қурол кучи билан уларни итоатга келтиришга аҳд  
килди.

Орадан күп үтмай, Тұмариснинг айғоқчилари, Кай-  
хисравининг катта құшини Үкуздан үтиш тараддуудида,  
эропийлар ёғоч ва қамишлардан соллар ясамоқдалар,  
деб дарак топиб келдилар. Тұмарис жаңг курған доно

<sup>1</sup> Марғиён — Марв.

<sup>2</sup> Сұғдия — ҳозирги Ўзбекистоннинг ғарбий қисми.

чоллар, аёлларни чақириб көнғаш утказди. Чоллардан бири дархол ~~ж~~ ёй билан қуролланган мергандарни дарё буйига юбориб, күпприк қураётган эронийларни үққа тутишни, ўнг қирғоққа утишларыга имкон бермасликни маслаҳат берди. Сипарангиз бу таклифга қарши чиқди:

— Бундай қылсак, хоразмийлар, Яксартнинг<sup>1</sup> парёғидаги шаклар нима дейдилар, биласизми? Мазагетлар эронийлар билан тұқнашишдан құрқиб, уларни дарёдан үтказмадилар, узоқдан уларни үққа тутиб, күпприкларни, солларни бузиб ташладилар, деб айюханиос урадилар. Бундан сунг биз нима деган одам бұламиз, қандай қилиб бош кутариб юргаймиз. Яхшиси, эронийларга әлчи юбориб, биз күпприк қуриб, дарёнинг бу бетига утишинги зияреттесінде түскенилик қылмаймиз, утиб оғаннингиздан кейин сиз билан жаңг қилишга тайёрмиз, дейишимиз керак.

— Галининг ўғыл боласи мана бундоқ бұлади,— деб унинг сүзини қувватлади ёшроқ бир йигит.

Тұмарис ҳам жанговар мазагет әлишининг обрусиның сақлаб қолиши мақсадида үглиниң гапини маъқуллаб, өзіннен тақлифини рад этди.

Шундан сунг Амунинг ўнг қирғофидаги бепоён чулистанда биридан бири даҳшатлы воеалар іоз бера бошлади. Жанговар йигитларнинг тантылғы уларға жуда қимматта тушиб кетди.

Кайхисрав үзининг отлиқлари ва оғир қуролли пиёдаларини дарёдан монесиз олиб ўтгач, дархол мазагетлар устига юриш бошлади, лекин бир ҳафта юрса ҳам уларни учратолмади. Күчманчиларнинг эронийларни бепоён чұллар ичига олиб кириб, уларни сувсиз, озиқ-овқатсиз қолдириб, тор-мор қилиш ниятида эканликлари маълум булиб қолди. Ез бошлапиб, кунлар исиб кетгән, майсалар көвжираб, саргайиб қолған эди.

Кайхисрав кенгаш чақириб, тажрибалы чолларнинг маслахатини әшитмоқчи бұлди.

— Балиқ дарёда үзини қандай сезса, бу лаънати күчманчилар ҳам шу сувсиз чұлларда үзларни шундай сезадилар,—деди кекса жангчилардан бири.— Чүлбійбон уларнинг ўз бағрида үстирган меҳрибон онаси, биз учун эса ўгай онадан баттар. Мазагетлар қаерда булоқ, қаерда қудуқ бор, яхши биладилар...

<sup>1</sup> Яксарт — Сирдарә.

— Хүш, уларни тор-мор қилмоқ учун қандай чоралар күришни тавсия этасиз? — деди ипак чодирнинг тўрида утирган Кайхисрав нохушланиб. Унинг эгнида подшолик аломати бўлган тўқ қизил кимхоб чопон, қўлида жавоҳирлар билан безалган асо, бир мулозим узун елпифич билан тинмай елпиб турарди.

— Уларни тор-мор қилмоқ учун шундай бир найранг ишлатмоқ керак. Қўшинимизни учга булиб, бир қисмини орқада қолдирсан ва уларни озиқ-овқат, шароб-ноб билан мўл-кўл таъмин этсан... Қолган икки қисм билан юришини давом эттирсан.

Эрон шоҳи кўпни кўрган кекса жангчининг макр-ҳийладан иборат бўлган режасини завқ билан тинглаб утирди. «Соддадил мазагетлар дарёдан утишимизга монелик қилмай, мардлик кўрсатди-ю, бизлар ҳийла ишилатиб, номардлик қиласизми?» — деган фикр кўнглиниг кучасига ҳам келмасди. Ироқ ва Мисрни, Ўрта Осиёнинг жанубий қисмини қурол ва олтин, макр-ҳийла билан босиб олиб, буюк Эрон давлатини барпо этган бу шуҳратпараст шоҳ мақсадига эришиш йўлида ҳар қанақа номардликлардан тап тортмасди.

У аскарнинг учдан икки қисмини бошлаб илгарилаб қетди, орқароқда қолган жангчилари худди зиёфатга тайёрланаётгандай ипак чодирлар қуриб, ер ўчиқлар қазий бошладилар.

Ўз айгоқчилари орқали бундан хабар топган Тўмарис асосий қўшиндан ажралиб орқада қолган душман қисмини тор-мор этиш пайига тушди. У аскарларнинг учдан бир қисмини ўғли Сипарангизга топшириб, буюрди:

— Сен уларни тузгитиб юборгандан кейин ҳаялламай, дарҳол Кайхисравга орқа томондан от сол, биз манглайидан урамиз. Қуёш тангриси бизни ёрлақаса, шаҳаншоҳи Эрон аскарлари қуршовда қолган жайроилардай, қочгани жой тополмай қолгайлар. Уқдингми?

— Уқдим,— деди ўғли ва уққанини кўрсатиш учун онасининг айтган гапларини такрорлади.

— Бор, ўғлим, Қуёш тангриси мададкоринг бўлсин.

Мазагет отлиқ аскарлари орқада қолдирилган эронийлар қароргоҳига бостириб кирганларида улар энди овқатларини сузиб, шароб тўла мешларни дастурхон ёнига келтириб қўйган эдилар. Қисқа жангдан сўнг эронийлар орқалариға қарамай қочдилар. Уларнинг бир

қисми қиличдан үтказилдій, бир қисмі құлга түшій-рілди.

Асир тушган бир эроний сүроқ вақтида Сипарангизга<sup>14</sup> шундай деди:

— Улуғ саркарда экансиз, бизни ғафлатда қолдириб, устимизга бало-қазодай бостириб келиб қолдингиз. Бұз әнді базми жамшид бошлаган әдик.— У шароб тұла мешларга ва заррин косаларга, овқат сузилган товоқтарға ишора қылди.— Булар бизға әмас, сизларға насиб килған экан.

— Овқатларингиз, шаробларингиз үзингизга буорсина, бизнинг зиёфат емоққа вақтимиз йүқ,— деди Сипарангиз шароб сузилған косаларға қараб, аммо үзининг бир тотиб күргиси келиб турарди.

— Йигитлар йүл юриб, жанг қилиб чарчади, отлар ҳам толиқди, уларға бир оз дам бермоқ керак,— деди ёш сардорнинг йигитларидан бири.— Тамадди қилиб, сұнг дархол отланамиз.

— Тұғри, озрок дам олайлик, тамадди қилайлик,— дейишди қорни очған йигитлар дастурхонлардаги ноз-неъматларға қараб.

Сипарангиз иккиланиб қолди, кейин:

— Ҳой, чол,— деди асир эронийға қараб.— Қошиғ<sup>15</sup> учун рост сүйла, овқат ва шаробларға зақар солингай әмасми?

— Үзимиз емоқчи бұлған овқатға нега зақар солай-ли? Нима, үзимизга үзимиз душманмизми? Барча худо-ларнинг худоси Ахурамаздан шафе келтириб қасамед этаманки, биз бу ноз-неъматларға заҳри қотил солғани-миз йүқ.

— Сүзларингнинг тұғрилигини исботлаш учун булардан еб-ичиб күр-чи!

Асир шароб ичиб, товоқдаги гүштдан еб курсатди, Құлға туширилған бошқа эронийларға ҳам шароб ичіп-риб, овқат едириб, уларнинг зақарланмаганиға қаноат хосил қылғандан сұнг, йигитлар дастурхонлар ёнига утирилар-да, шаробларни нуш этиб, пишириб құйилған гүштларни тушира кетдилар.

Үткір шароб умрида ичкилик ичмаган ёшларға дар-ров таъсир қила қолди. Улар ҳиринглашиб, бир-бирләри билан асқия қила бошладилар. Қоровулға құйилған от-лиқлар ҳам бенасиб қолмасынлар, деб уларға овқат ға-май обориб бердилар. Бир оз овқатланиб отланмоқчи

бұлған йигитлар оғизларыға ичкілік тегиши билан хұр-  
сандчилікка берилиб, қаша вақт үтганини билмай  
қолган әдилар.

Кайхисравининг муддаоси ҳам шу әди. Мазагетлардан  
қочиб қутулған әрон отлиқларидан баъзилари Кайхис-  
рав ҳузырига етиб бориб, қароргоҳда рүй берган ҳоди-  
салардан уин воқиғ қылғақ, у отининг бошини орқага  
бурди, анқайиб қолған юмронқозық устига ташланған  
илондек Сипарангиз құшинига бирдан ҳужум қылды.  
Коровул бұлиб турған ширакайф аскарлар әронийлар-  
нинг етиб келғанларини пайқамай қолдилар. Қисқа  
жанғдан сұнг душман уларни қириб ташлади. Базм қу-  
риб ўтирган йигитларнинг баъзилари жаңг суронини  
әшитгач, уринларидан тураман деб, гандираклаб йиқи-  
либ түшди, отларига етиб олғашлар қиличларини қини-  
дан суғуришга улгуролмадилар. Баъзи ёшлар жаңг  
құрган аскарларнинг сұзига кирмай, отларига дам бериш  
учун айнлин бұшатиб құйышған әди, шу сабабдан отла-  
рига минишлари билан әгар қийшайиб, отларнинг қор-  
нига келиб, узлари бошлари билан ерга санчилишди.  
Хуллас, душманнинг пайранғига учыб, ҳүшёрликни қул-  
дан берган Сипарангиз үзининг бир неча йигити билан  
асир тушиб қолди. Уларнинг оёқларига кишаи солиб,  
құлларини орқаларига боғлаб Кайхисравининг рұнарасы-  
га турғызған құйиншди. Шоҳ истехзоли илжайиб, асирлар-  
ни күздан кечирди.

— Ҳа, құлға түшдингми? — деди у Сипарангизға бең  
ирғаб.— Ҳолинг шу-ку, мен балан жаңг-жадал құлмоқ-  
чимидинг, она сути оғзидан кетмеген тирмизак!

Тириклайни құлға түшмасынк учун душман билан  
тоза олишиб, у ер-бу ери тирналған ёш сардориңнег  
мастлаги тарқаб, ҳүшёр торғиб қолған әди. У бошини  
виқор билан күтариб, шаҳаншохға нафрат күзи билан  
каради-да:

— Ҳа, сен билан жаңг-жадал құлмоқчи әдим, аммо  
бу баҳт менға мұяссар бұлмади,— деди.— Сен очиқ ерда  
расмана жаңг қилишдан құрқиб, ҳийла-макр билан биз-  
ни құлға туширдинг. Ағсуски, ёшлиқ қилиб, қилич дас-  
таснин ушлаган құлымға манфур шароб косасини олдим  
ва тузоққа илиндим. Агар сен номардлардек...

Шоҳни ҳақорат қилишга үтган Сипарангизнинг тову-  
шини үчириш учун аскарбошилардан бири:

— Бас қил, аҳмоқ! — деб унинг юзига қулидаги пиё-

ладан сув сепиб юборди. Йигит бехосдан сесканиб кетган эди, унинг гаплари нарёқ-берёғидан ўтиб кетган Кайхисрав кулиб юборди, ёнидаги аъён ва саркардалар ҳам шоҳларига таассуб қилиб, кўзларидан ёш чиққунча хаҳолаб кулишди.

— Кулинг-а, кулинг,— деди Сипарангиз уларга жирканиб қараб,— кун утмай йиғлайсиз, қон йиғлайсиз. Ҳйила ва макрларингиз энди иш бермайди, арслон теринни ёпинган тулкилар...

Ҳалиги аскарбоши уни гапиртирмаслик учун юзига сув сепиб юборди. Кайхисрав бу сафар зўрма-зўраки илжайиб қўйди, ёни-беридагилар хаҳолаб кулишга журъат этмай, тиржайиб қўйишди.


— Биз қаҳр-газаб қилишини ҳам биламиз, луфт-карам қилишини ҳам,— деди Эрон шоҳи Сипарангизга қараб.— Ҳусусан, биз сен каби болаларга шафқатлимиз. Эҳтимол, онаңгни соғингандирсан, истасанг, сени қўйиб юборамиз.

Сипарангиз заҳарга айланган тупугини қўлт этиб ютиб ўлади: «Күшинимизнинг учдан бирини мен нобуд қилдим. Сафдошларимнинг қирилиб кетишига мен сабабчи булдим. Агар энди бушатиб юборсалар ҳам ўз элатимга қайтиб кетмайман. Онашнинг олдига қайси юз билан бораман?»

— Қўлимни ечиб қўйинглар,— деб илтимос қилди у.

Кайхисрав бир мулозимга ишора қилган эди, у югуриб бориб йингитнинг қулини ечди-да, ўз жойига бориб турди. Шу он Сипарангиз қўнидан кичкинагина ялтироқ пичноқ олиб, ўзининг куксига санчди-ю, мукка тушиб жон гаслим қилди.

— Мард йигит экаи,— деди Кайхисрав бир оздан кейин.— Үлгимни помусдан афзал курди. Улмага мадда, эҳтимол, улуғ саркарда бўларни майли, бўларни бўлди, энди мадда бўларни йигитларни дуёғи жўнатинглар.



Сипарангиз ва унинг сафдошлари ҳалок бўлғанда тўғрисидаги хабар Тўмариснинг ва барча аёлларнинг юракларини ўқдек тешиб ўтди. Руҳий азобининг этказиги-

дан улафийнг күзларига ёш хам келмай қолди. Бирмунча вақтдан кейин соябон араваларнинг ичидан хотинларининг дод-фарёди эшитила бошлади. Хусусан, Сипарайгизининг қайлиги соchlарини юлиб йиглаб, ҳамманинг юрак-бағрини эзиб юборди, аммо Тўмарис қайғусининг зуридан йиглай олмасди. У эси оғиб қолгандек бир нуқтага тикилганича қотган, лаблари бир нима деб пиҷирлар эди.

Қайғу-ҳасратнинг давоси — душмандан уч олиш эди. Даҳшатли хабар келган куннинг эртасига Тўмарис тажрибали уругдошларини тўплаб, кенгаш ўтказди.

Давра қуриб мункайиб ўтирган кексаларга, кампиларга, душмандан уч олиш истаги билан ёнган ёшларга бир-бир кўз югуртириб, титроқ овоз билан:

— Оталар, оналар, укалар, аҳволимиз танғ, фалокат бойқуллари тепамизда учиб юрибдур,— деди.— Ёвуз душман навқирон йигитларимизни макр билан қириб ташлади. Биз уларнинг учини олмоғимиз, бор кучимизни тўплаб, ёвни юртимиздан ҳайдаб чиқармогимиз керак. Шу тўғрида сизнинг маслаҳатингизни олмоқчимиз.

Турда ўтирган оппоқ соқолли, кулча юзи қип-қизил, уткир кўзли бир чол томогини қириб гап бошлади:

— Бепарво булганимиз, ғафлат босиб бемаслаҳат иш қилганимиз учун бизни Миҳра жазолади. Агар биз юборган қўшинга Сипарангиз эмас, кўп жантларда суюғи қотган, эҳтиёткор бир киши бошчилик қилганда навқирон йигитларимиздан ажралиб қолмас эдик. Сипарангиз мард бўлса-да, аммо кўп жанг кўрмаган, тажрибасиз йигит эди. Кейинчалик у зур саркарда бўлиб етишарди, афсуски, умри қисқа экан.

— Рост айтасиз,— деб унинг сўзини бўлди Тўмарис.— Мен суюги қотмаган ўғлимни бу қўшинга бемаслаҳат бош қилиб юбордим ва манманликнинг жазосини тортдим.

— Йигитлар орасида қизлар, аёллар бўлганида бу фалокат бошимизга келмас эди,— деди бир кампир тувақиб.— Миҳра аёлларни куч-қувватга тўлган вақтида, фаҳму фаросат ёрдамида яратган. Сипарангиз қўшинида қизлар бўлганида йигитларнинг қўлидан май косасини уриб туширади эди...

— Бўлар иш бўлди, отилган ўқни қайтариб бўлмас,— деди бояги чол унинг гапини оғзидан олиб.— Биз эндай бундоқ қилсак: барча қариялар ва болаларни моллар

билан орқага юбориб, барча эр-хотин, йигит-қызларни қуроллантирсақ ва душманни чул ичига алдаб олиб кириб, ўша ерда қириб ташласак...

Күпни кўрган чол қаергача чекиниш ва душман билан қайси жойда жанг қилиш кераклигини батафсил гапириб берди. Кенгашдагилар унинг режасини маъқуллаб, баъзи тузатишлар киритдилар.

Ўша куниёқ Тумарис, урушга ярамайдиганлар пана-роқ жойга юборилсин, деб буйруқ берди, кейин отларнинг жиловидан ушлаб саф тортиб турган эркак ва аёлларнинг қурол-яроғлари, уст-бошлари, оёқ кийимларини кўздан кечирди. Уларнинг пухталигига қаноат ҳосил қилгандан кейин бир аргумоқни қурбонликка сўйдириб, Қуёш тангрисига илтижо қилиш учун бир тепалик устига чиқди, белидаги олтин камарига осилган қиличи ва қалқонини ерга қўйиб, мазагетлар паздида худоларнинг худоси бўлган Миҳрага сифина бошлади:

— Эй, бутун мавжудотни — еру кўкни, сув ва ўтни яратган Қуёш тангриси! Сен кўзингни очсанг — олам нурга тўлади: кўзингни юмсанг — ер юзини қоронгилак лашкари босади. Одамларга ўт берган ҳам сен, дарёларни тоширган, экинзор ва ўтлоқларга сув берган ҳам сен! Қўй ва кийикларни кўпайтирган, дон-дунга барака берган ҳам сен! Эй, улуғ Қуёш тангриси, бизни эронийларга хор қилма, дилимизга гайрат, билагимизга қувват ато қил, юрагимизга ўч оловини сол! Қиличимизни ўткир қил, токи, юртимизни оёқ ости қилган маккор душманни тор-мор айлаб, қуллик балосидан халос бўлайлик!

У нажот сўраб Миҳрага ёлвораркан, кўзларидан дувиллаб ёш оқиб кетди. Бир лаҳза ерга қараб турди да, ўзини тутиб олгандан сунг қилич-қалқонини тақиб олиб, пастга тушди, ўйноқлаб турган оқ отига миниб, қуролланган халқقا мурожаат қилди. Юртнинг бошига тушган фалокат тўгрисида гапириб, сузининг охирида шундай деди:

— Опа-сингиллар, ака-укалар, қаерга кетаётганингизни ҳаммангиз биласиз. Шу кетганимизча ё ҳаммамиз битта қолгунча қирилиб, ўз қонимиз билан шаънимизга тушган додни ювиб ташлаймиз ёки душманни қириб юбориб, ғалаба билан қайтамиз. Ишонаман: орамизда Эрон шоҳи олдида тиз чўкадиган номард йўқ. Биз албатта енгамиз! Шафқатсизликни бизлардан курсин Эрон шоҳи!

— Бизни жангга бошла, онахон! Душмандан йитиқом олиб, дудини димоғидан чиқарайлик!

Офтоб нури Тұмариснинг елкасига тушиб турар, гүё Миҳра нурли құллари билан уин сийпаб, олқишлиётгандек бұлар эди.

— Эл-юрт аёл кишининг фотиҳасини олди, галаба бизга ёр бұлғай,— деди соқоли күксига тушган бир чол.

Шу пайт тип-тиник осмонда бир бургут қанотлариниң кеңг ёйиб, улар устида айланы бошлади. Қуролли йыгит-қызлар бошлариниң кутарыб, уннинг парвозини томоша қылдилар. Ҳамма күзлар чақиаб, юзлар ёришиб кетди, чунки уларнинг эътиқодида бу яхшилик аломати эди...

Тұмарис тиш-тириғигача қуролланған ва ҳали чарчамаган Эрон құшини билан ҳозир жаңг қылса, оқибати хунук бұлышини яхши биларди. Энг олдин душманни чұлларда сарсон қилиб, уннинг тиқасини куритиши үшін қулай жой тоғыб туриб, жаңг қилиш керак эди.

Енгіл ғалабадан ҳаволаиған Эрон құшини Тұмариснинг чекниәётганиниң эшитиб, зудлик билан уни таъқиб эта бошлади. Кайхисрав осонғина зафар қозопиб, үлжас олинига шошилаётгай құшинини тұхтатыб қолишидан ожиз эди. Мазагетлар эса бир тепалик остида үзлары учун қулай жой ишғол қилиб, сағ тортыб турдилар. Бириңи сағда үқ ёй билан қуролланған енгіл аслаҳали мерғанлар, улар орқасида оғыр қуролли аскарлар турар эди. Кайхисрав аскарлары секин-аста яқнилашиб келавердилар. Мазагет мерғанлары тусатдан уларни үққа тутдилар, садоқлар бұшаб қолғач, узун дастали мис болталар, калта найзаларни ишга солдилар. Құшиннинг иккі ёни ва орқа томоиниң ҳимоя қилиби турғап отлиқлар сувлиғини чайнағ, тилла үмілдириқлариниң бошының қүйиб юбордилар. Сағлар бир-бирига аралашыб кетди. Қилич ва найзаларнинг бир-бирига тарақлаб тегиши, жангчиларнинг сурони, отларнинг кишинаши, ярадорларнинг инграши бирға құшилиб, қиёмат-қойим булып кетди. Одамлар гуж булып олиб, бир-бирига наиза санчар, болта билан бошыга туширап, қилич билан чопар эди. Жаңг шу зайлда кечгача давом этди. Үз ерлариниң ёвдан тозалаш ва үчилиш иштиёқи билан ёнған мазагетлар жоғоззлик күрсатыб ёў билан мардларча олишишди, ниҳоят, зафар уларга ёр бұлып, душманни орқага сура бошлашды. Зарина бошчилигидаги отлиқ құшин душманнинг чап қано-

тини синдириб, орқага утиб ғлди. Бир төпалик устида жангни кузатиб турган Кайхисрав қилич яланғочлаб, ўз шавкарлари билан жангга шошилди, бироқ у биринчи түқинаяшишдаёқ ҳалок булди. Кайхисравнинг ўлганини билиб, эронийларнинг руҳи тушиб, юракларидаги ут сұна бошлади. Душманнинг бир қисми чекишиб, яқин ўртадаги түқайларга яшириromoқчи бўлди. Бироқ Тўмарис бошчилигидаги эркак ва аёл суворийлар уларнинг олдини түсиб чиқиб, қиличдан ўтказа бошладилар. Мазагетлар эронийлар устидан тула галаба қозопиб, бир талай асир олишди.

— Кайхисравнинг... калласини кесиб олиб келинглар! — деб буюрди ҳали ҳам нафасини ростлаб ололмаган Тўмарис. Унинг ёнида туриб, душман билан олишган келини уч-тўрт аёл жангчи билан шаҳаншоҳ аскарларининг жасадига тўлган майдонга от сурди. Кўп ўтмай, Зарина Кайхисравнинг жасадини топди ва унинг калласини кесиб олиб, Тўмарисга келтириб берди.

— Энди бир мешга қои тўлдириб келипглар!

Жангчилар дарҳол маликанинг буйруғини бажо келтирдилар.

Тўмарис соч ва соқолига қои ёпишиб қотиб қолган, кузлари юмуқ, даҳшитли калтани қўнига олиб, унга қарди-да:

— Эй Кайхисрав<sup>1</sup>, умр бўйи жаиг қилиб одам қонига тўймадинг, мана энди тўйгунингча ич! — деб уни меш ичинга солди-да, меш оғзини чилвири билан маҳкам bogлаб кўйди.

---

<sup>1</sup> Кайхисрав эрамиздан илгариги 529 йилда ҳалок бўлган.

## КИТОБГА ИХЛОС

Ярим ёеча, осмонда чарақлаган юлдузлар маст уй-қуда ётган ерга назар ташлаб, бир-бирларига куз қисиб қўйишади. Кундузи бозорчиларнинг ғала-ғовуридан чарчаган Бухоро сукунат қўйнида ором олмоқда. Аҳён-аҳёнда узоқлардан довул товуши эшитилади: тун посбонлари уйқудаги шаҳарни қўриқлаб юрадилар.

Шимол томонга қаратиб солинган баланд бир айвоннинг ўртасида, хонтахта устида милтиллаб ёнган шамнинг сарғиш нури остида ўн етти-ўн саккиз ёшдаги бир йигитча мутолаа қилиб ўтиради. Унинг қотмадан келган тиниқ юзида, катта-катта кўзларида заковат нури порлайди. Назари сатрлар оралаб йўрғаларкан, ер остидан хазина топган кишидек қуллари аста титрайди, юзига ғалати табассум югуради, кенг ва ёрқин пешанасида маржондек тер пайдо булади. У бутун коинотни унуглан, бутун фикри сатрлар орасига яширинган сирларни то-ниш ташвишида.

Айвоннинг чеккасида ётган Ситорабону бир уйқуни олиб, ўриидан туриб ўтириди, ўғлининг ҳалигача ётмаганини кўриб:

— Ҳой ўғлим, шу маҳалгача ўтирибсанму? Ёш жонингга мунча жавр қилмасанг? Ёт ҳозир — деди.

— Онажон, яна бир оз ўтиришга ижозат беринг. Жуда ажойиб китоб экан.

Қирқларга бориб қолган бўлса ҳам, тароватини йўқотмаган, қомати келишган қора қош аёл ўғлининг юзидаги жиддий ифодани кўриб, кўнгли юмшади.

— Кечаки бир тангага сотиб олган китобингми?

— Ҳа, ўшал китоб. Буни қарангки, шу маҳалгача бошимни қотириб юрган муаммоларни осонликча ечиб берибдур-а!

Ситорабону ўғлининг гапига яхши тушунмаган бўлса ҳам, риёзат чекиб илм ўрганаётган ўғлининг юксак мар-

табага яқинлашиб қолганини ички ҳис билан англади ва майин жилмайиб, бошини ёстиққа қўйди.

Кейинчалик Абу Али ибн Сино номи билан машҳур бўлган ёш Ҳусайн ҳар куни ярим кечагача ўтириб, юнон ва араб хукамоларининг тиб ва фалсафага доир китобларини ўқир эди. Ўйқуси келиб, кўзига қум тиқилганда аллақандай бир утни қайнатиб тайёрланган доридан бир ҳўплам ичар, кўзи яна очилиб, зеҳни равшанлашарди. Бугун эса онасининг сўзини ерда қолдирмай, уша дорисдан ичмади. Келгаи жойига хатчўп солиб, китобни тоқчага олиб қўйди-да, ўриига кириб ётди.

Ҳусайн шу бугун эрталаб саҳоф бозорни<sup>1</sup> айланиб юрганда паранжи ичидан қўлни чиқариб, китоб ушлаб турган бир кампирга кўзи тушиб қолган эди.

— Онажон, китобнингизни сотасизму?

— Ҳа, сотурман, жуда яхши китоб.

Ингитча унинг қулидан китобни олиб, варақлай бошлиди. Бу — Форобийнинг «Фасуси ал-ҳикам» деган китоби бўлиб, Арастунинг «Мобаъдат табиат» деган китобига ёзган шарҳи эди. Ҳусайн шу маҳалгача «Мобаъдат табиат»ни бир неча маротаба ўқиган бўлса ҳам, сира тушунмаган эди. Мана энди унинг калитини топди. Форобий улуғ юнон ҳакимининг жуда чигал фалсафий мулоҳазалари мағзини чақиб берган эди.

\* \* \*

Сомонийлар шажарасининг сўнгги бутоғи бўлган подшо Нуҳ бинни Мансур касалманд одам эди. Бухорининг машҳур табиблари уни даволаш билан овора эдилар. Бироқ ҳеч бирининг берган дори-дармони тождор беморга кор қилмас, дардини енгиллатмас эди.

Подшо девон маъмури бўлган марҳум Абдуллонинг ўғли Ҳусайн табиби ҳозиқ бўлибди, деган хабарни эшишиб, уни дарҳол ҳузурига чорлатди.

Сарой ўлик чиққан уйга ухшайди. Аъёнлар, сарой амалдорлари, соқчилар оёқ учидаги юардилар, бир-бирлари билан шивирлашиб гаплашардилар.

Сарой вазири Ҳусайнни қулидан ушлаб, қиличларини ялангочлаб елкаларига қўйиб турган соқчилар орасидан олиб утди ва энг ичкаридаги бир хона олдига олиб бориб

<sup>1</sup> Саҳоф бозор — китоб бозори.

тұхтатди. Эшикпінг иккі томонида чиройли иккі түркмен йигит соқчылық қилиб турарди. Вазир бармоги билан шу өрдә туришни буюриб, ўзи ҳона ичіга кириб кетди. Орадан беш-үн дақиқа үтгач, эшик очилиб, ёш ҳакимни ичкарига таклиф этдилар. Узун, ранг-бараңг ойнали дарчадан хира нур тушиб турған, шифтлари музайян, деворлари үймакор хопага кириб, Ибн Сино тұрдаги ипак тұшак устида ёстиққа суюшиб утирган рангпар-кишига таъзим қилди. Сұнгра уннің ишораси билан тұшак ёніга бориб, чукка тушди. Еш ҳакимнің хипчагина гавдасини тик тутиши, дадил боқишидан, тип-тиниң нурлы юзидан, катта-катта күзларидан камтарлиғи ва. шу билан бирға узига ишонғаплиғи билиниб турарди.

Нұх бинни Мансур савқи табиій билан ўз ҳұзурида улуг истеъдод әгаси бұлған бир ҳаким үтирганини пайқади ва уннің шағынға мұносиб мұомала қилиб, ҳол-ахвол сұради. Ибн Сино үзини яхши тутиб, уннің саволларига шошмай жавоб берди. У подионнің касали німа әқанлиғини табиблардан әшитған бұлса-да, ўз ҳамкасларинің одатига мұвоғиқ, кескін ҳаракат билан тоғдор бемориинің томирини үшлаб күрди. У ўз олдида Мовароуннаұрнің подшосы әмас, балқи оддий касал киши ётгандек, уннің сарғайған юзіга тикилар, тишині күрсатишини сұрап, подионнің шағынға номуносидектең саволлар берарди. (Бир неча хил касали бұлған бинни Мансур бавосыл касалиға ҳам мұбтало әди). Сарой вазири подшо ҳұзурида үзини шу қадар сокин ва бетакаллуғ тутған ҳакимни бириңчи мартаба күриши әди.

Ибн Сино подионнің жавобини тиңглаб, пешанасини үшлаганича үйлаб қолди. Қейин ачық овқат, ичкислик ичмасликни, күпроқ ширгуруч еб, ҳұл мева истеъмол қилишини тайинлаб үрнідан турди.

— Зотің олайлари, бандаларига ижозат берсінлар, кечқурун дори тайёрлаб юборгайман. Күпроқ тар мева истеъмол қылсінлар, аммо Бухоро меваси жанобларига зааралдидир. Мевани Самарқанддин келтириб есінлар.— Зийрак табиб үзиннің хұлқ-атвори сарой вазирида нөшойиста таъсир қолдирганини пайқаган әди.— Агар ҳурмат шартларини жойига келтиролмаган бұлсам, аға этгайлар.

Бинни Мансур билинар-билинимас жилмайиш билан ундан хафа бұлмаганини билдиргандек бұлди. Еш ҳаким таъзим қилиб, орқаси билан юриб чиқиб кетди.

Бир ҳафтадан кейин саройга келган Ибн Сино дори-  
дармоплари беморга яхши таъсир қилганини күрді.  
Ранги тозарған бинни Мансур уни очық чөхра билан  
қарши олди ва ёш табибдан беҳад миннатдор бўлиб,  
нима тиласа бернишга тайёр әканини айтди. Ёш табиб  
унинг олдида тиз чукиб, имкон хорижидаги бўлган бир  
нарсани сўрагандек қўрқиб, паст товуш билан:

— Менга сарой китобхонасида мутолаа қилмоққа  
ижозат берсалар бас,— деди.— Менга пул керак эмас.

— Баракалла! Умримда пулдан илм-урфонни юқори  
қуятурған одамни биринчи кўришм.— Подио илжайиб  
унинг илтимосини бажону дил қабул қилганини изҳор  
этди. Сўнгра сарой вазирига қараб деди:— Китобдорга  
айтиб қўйинг, Ибн Синонга ҳар кун китобхонада маш-  
гулот ўтказмоққа ижозат бердим.

Вазир индамай бош эгиб қўйди.

\* \* \*

Хасрда бутун Ўрта Осиё, Эрон ва Афғонистонда  
тенги бўлмаган Бухоро кутубхонасида қадимги Юнонис-  
тон, Ҳиндистон ҳукамоларининг араб тилига таржима  
қилинган асарлари сақланарди.

Оптоқ соқоли кўксига тушган китобдор Ибн Синонни  
мамиунилик билан қарши олиб, ўз қўл остидаги бойликлар  
билан уни танишитириб чиқди. Ҳар бир ҳужрада бир  
фанга доир китоблар сақланар, қатор-қатор сандиқлар  
китоб билан лиқ тўла эди. Китобдор ҳар бир ҳужранинг  
кулфини очиб, бунда қандай китоблар борлпгини айтар  
эди, у сандиқ очиб подир қўллэзма асарларни кўрсатар  
экан, Ибн Синонинг кўзлари ялтиради.

— Қадрдан ота, мен энди сизга ҳар кун меҳмон бўл-  
гаймен,— деди у ҳаяжонланиб.

— Мамнуният билан сизга китобхонанинг тўридан  
жой бергаймен. Сизга ҳеч бир бухороликнинг қўли тег-  
маган китобларни топиб бергаймен.

Жоме пештоқи остидаги мармар супа устида иккигиши  
гаплашиб ўтиради. Уларнинг бирин мош-гуруч соқолли, бошига олифта қилиб мисқоли салла ўраган  
ўрта ёшли киши. Иккичиси эса, оптоқ соқоли кўкрагига  
тушган, қуюқ қошлари қордек оқарган чол. Унинг қошлари  
чимирилган, кўзлари ўқрайиб қарайди.

— Тақсир, қариган чоғингизда дунёниг ғамини еб на қилурсиз? — деди ўрта ёшли киши. — Ҳамма ишни бизга құяверинг, үз жонингизнинг роҳатидан бұлак нарсаны үйламанг.

— Хүп гапирасиз-да, мулла Садриддин, дунёниг бузилиб кетаётганини күрганингдан кейин күнгил қандай тиңч бұлсии. Ахир, күриб турибсиз, ёшлар қарияларни ҳурмат құлмай қўйди, ўртадан шарм-ҳаё қутарилди. — Ҳар бир даврнинг мияси айниб қолған ҷолларига хос шикоятдан сўнг Мағоқиатторои мачитипинг имоми түкур ҳўрсиниб қўйди.

— Мадрасаларда илми ҳол<sup>1</sup> ўғил ҳолатига тушиб қолди. Ёшлар масоил диния эмас, ҳикмат, мантиқ, илм риёзий ва ҳоказоларга қизиқадурлар. Лавҳлари устида қуръон эмас, машойихларнинг китоблари эмас, балки мажусий олимларнинг китобларини курадурман. Афсуски, сарой аҳлида ҳам динга рағбат қолмади. Сарой китобхонаси ёшларнинг миясини заҳарлайтурган маконга айланди. Кошкى эди уига ўт тушиб, кули кўкка совурилса...

— Сабр қылсингар, тақсирим, ҳаммаси сиз айғандек бүлғусидир. Шарқдан келмоқда бўлган туфон Ниҳнинг тахт-салтанатини олиб кетажакдур. Қорабуғроҳон бошлиқ қўчманчилар ўрдуси ҳозир Самарқанд бўсағасида турур. Қораҳонийлар яқиндагина диний исломни қабул қилганликлари учун динга қаттиқ берилганлар, сомонийларнинг эса эътиқоди сусайгаи. Қўчманчилар гарчи үз жиссимиздан бўлмасалар ҳам, эътиқод жиҳатидан бизга яқиндурлар.

— Илоҳи, уларнинг қули баланд бўлсин.

Шу пайтда китобхонадан хушнуд булиб қайтаётган Ибн Сино бу икки мутаассиб дин пешвосига дуч келиб қолиб, қўнгироқдай товуш билан:

— Марҳабо, тўтий мулло! — деб салом берди.

— Марҳабо! — деб жавоб қайтарди мулла Садриддин, — ҳа, мулла, йул бўлсин?

— Ўйга.

— Эшиңдик, сизга китобхона эшиги очилинбур.

— Ҳа, толиблар учун илм эшиги доим очиқ.

— Китобхона сиз учун ибодатхона-ю, мажусий олимлари сиз учун раҳнамо булиб қолди шекилли.

<sup>1</sup> Илми ҳол — диний илмлар.

— Илмни Чин-Мочинга бориб ўргансанг ҳам жоиздур, деганлар, расули худо. Китобхона мен учун муқадас жойдур. Китоб ҳақиқатни ўрганмоқ ва табиат сирларини англамоққа ёрдам берадур.

— Менимча, мажусий олимларининг ёзган китоблари киши кўнглида шубҳа илонини уйғотиб, эътиқодиний сусайтирса керак...

— Мен учун шубҳадек мустаҳкам қўрғон йўқ, тўтий мулло, чунки у жоҳиллиги туфайли ўзини доно ҳисоблаган шахслар ҳужумидан одамини сақлайдур,— деди ёш олим мулланинг сўзини бўлиб.

Мулла Садриддин унинг гапига яхши тушунолмай, лабини буриштириб қўйди.

— Энг олдин илми ҳолни ўрганиб, эътиқодингизни мустаҳкамлаб олинг, илми қолни<sup>1</sup> кейин ўргансангиз ҳам бўладур, акс ҳолда, коғир булиб кетмоқ ҳеч гап эмас.

— Баъзи нодонлар доно кишиларни коғир деб ҳисоблайдурлар.

— Тавба, бу маҳмадонанинг гапини қараанг. Беш-үн китобни ўқиб, ўзини доно ҳисоблайдур. Илоё китобхонага ўт тушиб сен жувонмарг бўл!— деди Мағокиатторойи домла имоми.

— Мен беш-үн китоб эмас, юзлаб китобни ўқиб, мазмунини миямга жойлаб олдим,— деди Йиб Сино бошини ғоз кўтариб.— Мабодо китобхонага ўт тушиб кетгудек бўлса, ундаги китобларни қайтадан ёзиб, сандиқларни яна тўлдирмоққа қодирдурмен.

Йиб Сино бош эгиб, муллалар билан хайрлашди-да, яна йўлга тушди. Нарироқ боргандан кейин жаҳл устида айтган гапларига пушаймон бўлди: «Ёшлик фурури ҳали бошимдан кетмаганга ўхшайди,— деб гижинди у.— Менга мақтанишни ким қўйибди! Юзта китоб ўқиган билан олим булиб қоладими киши? Тавба, минбаъд бундай қизиққон бўлмаслик керак. Аммо шуниси борки, саллали эшакларни курсам, қоним қайнаб кетиб, тилимни тия олмайман. Ҳозирги замонда тилинг қанчалик ўткир бўлса, шунчалик ўткир қилич билан кесилади!»

Мулла Садриддин ёш ҳакимнинг орқасидан қараб сукутга кетди. Кейин бошини кўтариб, домла имомдані

— Шумтаканинг: «Мабодо китобхонага ўт тушиб кетса...» деганини эшитдингиз-а?— деб сўради.

<sup>1</sup> Илми қол — дунёвий илмлар.

— Ҳа, бир эмас, иккى қулогум биләп әшитдим.

— Агар ўшал мажусийлар китoblари йиғилган ма-  
коңга ўт тушиб кетса-ю, сизни гувоҳликка чақирилса-  
лар, әшитганингизни тасдиқлашдаң бош тортмайсизми?

— Албатта йўқ.

— Бўлди, қолган ишни менга қўйиб беринг!

Орадаң кўп ўтмай, сомонийлар тарихида кетма-кет  
икки фожиали воқеа рўй берди. Қорабугроҳон бошлили-  
гида шарқдан босиб келаётган кўчманчилар Самар-  
қанд яқинида Ҳожиб Аяч бошлилигидаги қўшинни  
тор-мор келтириб, узини асир қилиб олдилар ва Самар-  
қандни ишгол этиб, юришни давом эттирилар. Нуҳ  
бинни Мансур томонидан юборилган сипоҳсолор<sup>1</sup>  
Фоиқ хиёнат қилиб, душман томонига ўтди. Шаҳар  
халқи Бухоро деворлари остига келиб қолган истило-  
чилар билан жанг бошлади.

Иби Сино уқишини йигиштириб қўйиб, бошқа жар-  
роҳлар<sup>2</sup> қаторида қилич зарбидан, ўқ захмидан азоб  
тортаётган жангчиларга ёрдам беришга киришиди. Арк-  
нинг рўпарасидаги қўҳна сарой ярадорларга тулиб  
кетганди. Ёш ҳаким кечгача қилич ярасига қов қўйиб,  
малҳам суртиш, баданга санчилган уқни олиб, боғлаб  
қўйиш билан овора булди. У ҳориб-чарчаб энди дам  
олиш учун утиromoқчи бўлганда, сонига уқ санчилиб  
қолган бир косиб йигитни олиб келдилар. Иби Сино  
ешиб ташлаган қопли яктагини яна кийиб, қулида  
наштар билан ярадорнинг тепасига келди. Ўқнинг учи  
чиқиб қолганда, уншиг пат ёпиштирилган учни қирқиб  
ташлаб, сугуриб олиш қийин эмасди, аммо учи чиқмай  
қолган уқни олиш амри маҳол.

Иби Сино ўйланқираб туриб деди:

— Беҳуш дори бериб, ёриб олишига тугри келадур.

— Йуқ,— деди ранги сарғайнib кетган булса-да, узи-  
ни бардам тутишга уринган ярадор.— Қирққа чидалап  
қирқ бирига ҳам чидалди. Шунча уқубатдан кейин...

— Баракалла, азamat йигит экансиз. Сизга азоб  
бермай, чиқариб олғаймен. Мени танирсиз-а?

— Ҳа, сиз амирин даволаган атоқли ҳакимсиз. Сиз-  
га ишонадурмен.

— Жуда соз,— деди Иби Сино унинг қашарига

<sup>1</sup> Сипоҳсолор — аскарбошн, генерал.

<sup>2</sup> Жарроҳ — хирург.

қаттиқ тикилиб турраб.— Үқни худди хамирдан қил суғургандек сугуриб олғайман, сезмай ҳам қолурсиз.

Шуни деб ёш ҳаким унинг сон гүштини икки паллага ажратиб үқни олди, сұнgra малҳам қўйиб, ёпиштирдида, тикиб, боғлаб қўйди. Ташриҳ вақтида тишини тишига босиб ётган йигитдан садо чиқмади.

— Баракалла, азamat экансиз, кошки эди ҳамма сиздек мард бўлсал!

Шуни деб ёш ҳаким йигитга кулиб боқди-да, қўлиниг қонини юваб, дам олгани кетди.

Сипоҳсолор Фонқийиг хиёнати қимматга тушган эди. Мунтазам қушиидан ажраб, занфлашиб қолган Бухоро сонсиз-саноқсан кучмачилилар томонидан босиб олиниди. Қорабуғроҳон шаҳарин ишғол этиб<sup>1</sup>, саройдаги бойликларин қўлга киритди, уз аскарларига бозорни талатди. Кўп иморатларга ўт тушиб кетиб, аччиқ тутун шаҳарни ураб олди. Ўз мол-дунёсини сақлаб қолмоқчи булгандга қилич еб йиқилган кишиларнинг фарёди, асир килиб олиб кетилаётган аёлларнинг доди, қутурган душман аскарларнинг сурони қулоқларни қоматга келтиради. Уч ой аҳвол шу зайлда давом этди.

Иби Сино эса аламини китобдан олар, ярим тунгача ўтириб мутолаа қилар, ёзар эди. Бир кун кечаси ётгиси келиб, кўзига қум тиқиля бошлигандан уйқу қочирадиган дориснин ичиб, ҳовлинга тушди. Одати бўйича, осмонга қараб, Ҳулкар юлдузи қаерга келганини билмоқчи бўлди, шу пайт Регистон томон қизариб, осмонга учқунлар сараб турганини кўрди. Үқтин-ўқтин оловнинг қип-қизил тиллари қоронги осмонни ялар, узокдан қийчув овозлар эштиларди. Ёш ҳакимнинг юраги бир фалокатни сезгандек дукуллаб уриб кетди. Дарров кавушмаҳисини, чопонини кийиб, онасини уйғотди.

— Онажон, Регистон майдони яқинида бир уйга ўт кетганига ўхшайдур, бориб билиб келай, қўлимдан келганича ўт учиришга ёрдам берай.

— Э, қўйсанг-чи, ўглим. Сенсиз ҳам ўт учирувчилар топилиб қолар.

— Йўқ, онажон. Бормасам бўлмайдур. Уйқум ҳам ўчиб кетди.— Ёш йигит кўнглига келган шубҳани онасига айтишдан ҳам қўрқарди. «Борди-ю, агар... йўқ,

<sup>1</sup> 992 йил май ойидан.

йўқ, бу мумкин эмас. Неча юз йиллаб тўпланган илм-фан хазинасининг кули кўкка совурилиши мумкин эмас».

Ситорабону унинг афтига қараб ижозат бермаслик-нинг иложи йўқлигини англади.

— Майли, борсанг бора қол. Аммо кечикма...

Ибн Сино ҳаллослаб Регистон майдонига келганда кўнглини эзаётган шубҳа ҳақиқат булиб чиққанини англади. Юзлаб кишилар қўлма-қўл челак узатиб майдон уртасидаги ҳовуздан олинига сув билан китобхонага тушган ўтни ўчиришга уринар эдилар. Мадраса тала-баларининг, теварак-атрофдаги маҳалла аҳлиниң жонбозлигига қарамай, ёнғин борган сари кучаяр, қимматли китобларни аждоҳодек ютаётган алланга қутуриб, ҳужра эшигидан тутун аралаш чиқиб турарди. Челаклаб сепилган сув унга кор қилмас, аксинча, мойдек таъсир қилаётгандек эди. Баъзилар меҳнатлари бекорга кетаётганини кўриб, қўлларини қўлтиққа урдилар. Одамлар орасида асрлардан бери тўплашган бойликининг тутунига айланиб, осмонга учишидан завқланиб илжаётган саллали кишиларни кўрин мумкин эди.

Ибн Сино бошда челаклаб сув ташиб, ўт ўчираётгандарга қарашиб турди. Кейин кўпчиликнинг ҳафсаласи пир бўлганини кўриб, ғазабига чидолмай, олов чиқиб турган бир ҳужрага ўзини урди. Бунда тибга доир китоблар сақланарди. Одамлар уни тутиб қололмадилар. Бир неча дақиқадан кейин, этагининг ёнаётганига парво қилмай, бир неча китобни қучоқлаб олиб чиқди. Одамлар югуриб бориб, уни чопон билан ўраб олдилар, бўлмаса, устидаги кийими билан ўзи ҳам ёниб кетиши турган гап эди. Ибн Сино яна ўзини ўтга урмоқчи эди, бир неча қўл уни маҳкам ушлаб қолди. Шу орада аллаким: «Хой йигитча, ҳушингизни йигиб олинг. Ортиқ уринишининг фойдаси йўқ!» — деди. Ёш ҳаким аланглаб, товуш эшитилган томонга қаради. Чап биқинида ғам-ҳасратдан кўзлари чўккан кекса китобдор турарди.

— Бу қандай фалокат, қандай мудҳиш фалокат! — деди Ибн Сино йигламоқдан бери бўлиб.

Чол хўрсииниб қўйди:

— Ҳа, бахтсизлик, аммо билиб қўйингки, илми қол душманлари маърифат чирогини ўчиролмайдилар. Улар ота-боболардан қолган нодир китобларни ёндириб, кул-

та айлантириб юборсаларда, заковат нурини сундиролмайдурлар...

Шунча уриниб ёнгинни сундиролмаган одамлар бирик-кетин уй-уйларига жұнашди. Оловнинг озиғи камайғап сари ҳовури пасаярди. Тұда-тұда куллар устини қоплаган тутун күйіб шакли қолган қоғоз парчалари билан шамолда аста тебранаркан, қурум иси ҳар еңқа тараларди.

Иби Сино худди яқын бир кишисини күмиб, қабристондан қайтган кишидек бошини қүйи солиб, ярим-әрті күйгән бир неча китобни құлтиқлаган ҳолда уйнға жұнади...

Орадаи икки ойча вақт үтди. Шу вақтгача үзини құярга жой тополнамай юрган Иби Сино бир күни уйнға хурсанд бұлыб келди.

— Суюнчи беринг, онажон. Қорабуғрохон қүшини Бухорони ташлаб чиқиб кетмоқда. Құлиға яроғ олган Бухоро халқы туркманлар билан бирлікда уларни ҳайлаб чиқармоқда, талаб олинған молларини тортиб олмоқда.

Кармана томон чекинаётгап истилочиларнинг орқасы қолған қисми билан бухороликлар үртасида бұлаётгап жағнини сурони узоқдан сал-пал әшитилиб турарды. Ситорабонунинг рағиғи үчи:

Охири баҳайр бұлени!— деб қўйди.

Бир неча күндан кейин «тайёрға айёр» бұлыб, Амулдан (Чоржүйдан) Нуҳ бинни Мансур Бухорога кириб келди. Ҳаёт яна аввалғы изига тушгандек эди. Яна сандогарлар дұқоуларини очиб, косиблар дастгоҳларини юргизиб юбордилар. Бироқ вазирлар үртасидаги нифоқ, айрым вилюят ҳокимларининг исёни, күчманичиларнинг ҳужуми сомонийлар сулоласи қурған иморатин кундан-бунта емирмоқда эди. Кекса Нуҳ вазирларини бир-бiri билан яраштырмай, мамлакатда тинчлик үрнатылмаі, дегенде ҳаератда улиб кетди. Униг ўғли Абулҳорис Мансур ҳам бебои вазирлар, исёпчи ҳокимларни жиловдай олмады. Қорабуғрохоннинг ўғли Насрға қарши юборылған саркарда Янолтакин унинг томонига үтиб кетди. Сомонийлар давлати худди ичи құртлаган олмадек ушиліб, яна истилочилар құлиға тушди<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Қорабуғрохоннинг ўғли 999 йыл 23 октябрь душанба күни Бухорога кириб келди. Шу билан тожик сулоласи — сомонийлар давлатта хотима берилди. (Автор).

Бухор қўчманчилар қўлига утгандан кейин салла-  
каллаларнинг дасти дароз бўлиб қолди. Ибн Сино ҳора  
қузғунлар уясига айланган шаҳарни тарк этиб, ўзига  
маърифатпарвар тождор, бир ҳомий излашга жазм қил-  
ди. У йўл ҳозирлигини куриб бўлгандан кейин, упкаси-  
ни босолмай йиғлаётган онасига юзланди ва ўзини  
бардам тутиб:

— Онажон, қўйинг, йиғламанг, агар ўғлимнинг  
боши омон бўлсин десангиз, менга оқ фотиҳа беринг,—  
деди.— Ҳаётим хатарда қолди, саллали эшаклар бир  
кун эмас, бир кун мени коғирга чиқариб, бошимни  
эйдилар.

— Болагинам, мўмин-қобилгина булиб, уша мулла-  
ларнинг айтганини қилсанг, нима булади?

Ибн Сино жавоб ўрнига кечаси ёзиб қўйган рубоий-  
сини уқиб берди:

— Хени доно деб билган икки-уч  
Нолотга бир киши келиб қолиб дуч:  
«Мен эшакмас» деса, ушал ақли пуч  
Эшаклар, бу коғир бўлди, дегайлар<sup>1</sup>.

Аммо мен ҳеч қачон ўзимни эшак деб ҳисобламай-  
ман, шунинг учун мени лабатта коғирга чиқарадурлао. Онажон, мени хотиржаманка чақирманг. Хотиржам-  
лик кишини гафлатда колдиргай, эҳтиёткорлик эса  
кишини фалокатдан халос этгай. Агар овчи бир қуш-  
нинг уяси қаердалигини билса, уни уша ердан тутиб  
олиб кетадур, овчилардан кутубини учун у доим учиб  
юрмоги лозим.

Ўғлининг далиллари олдида она учун таслим булиш-  
дан булак илож йўқ эди. У ўз фарзанднинг ҳақли  
эканлигини ақли билан билиб турса-да, кўз ёшлиарини  
тия олмасди.

— Майли, бўлмаса. Ой бориб, омон кел,— деди  
ҳиқиллаб,— мендан хавотир олма, уканг катта булиб  
қолди.

Ибн Сино онаси билан хайрлашаркан, токчадан бир  
китобни олиб упди-да, уни пешанаснга тегизиб, сунгра

<sup>1</sup> Форсчадан таржима.

онасининг қулига тутқазди. Бу — Форобийнинг «Фасус ал-ҳикам» деган китоби эди.

— Онажон, шул китобни бирор серижитиход **толи-**бул илмга совға қиласиз.

— Хўп. Сенинг бош-кўзингдан садақа бўлсин бул китоб. Ҳайр, қаерда бўлсанг ҳам савдогарлардан **хат** юбориб, сиҳат-саломатлигингни билдириб тур.

Ибн Сино орқасига қарашдан қўрқиб, дарво~~за~~ада~~з~~ чиқди-да, Гурганж сарой томон йўл олди.

## ЖАЙХУН УСТИДА БУЛУТЛАР

### I

Хоразмшоҳ Абу Абдуллонинг амакиваччаси Абу Наср Мансур ибн Ироқ маърифатпарвар, сино одам эди. Ү юксак мартабали амалдорлар билан эмас, балки олим ва фозил одамлар билан суҳбатлашишдан зарқланар, инсоннинг зийнати зардӯз чопон ва тилла камар эмас, илму урфон деб ҳисоблар эди. Шу сабабдан таҳтга ўтириб давлат кемасини идора қилишни хаёлига келтирмас, вақтини риёзиёт, ҳаандаса, фалакиёт илмларини ўрганишга сарф этар эди.

Одатда подшолар таҳт-тоҷ түгрисида хаёл сурадиган қариндош-уруғларидан қўрқадилар, уларни пойтахтдан узоқлаштириш ва назорат остида сақлашга ҳаракат қиласидилар. Абу Абдулло олим ва фозил амакиваччасини ўзидан узоқлаштиримай, унга ер-сув инъом қилиб, илм билан шуғулланишига даъват этар эди.

Амударёнинг ўиг соҳилидаги Кот<sup>1</sup> шаҳри Бухородан катта ва обод эди. Дарёга яқин тепалик устида қўрилган, уч қават қўрғон билан ихота этилган қалъя, пештоқлари кошинкор қилиб ишланган жомелар, дарвозалари тепасига шер сурати солинган карвон саройлар шаҳарга улугвор ғус берар эди. Эрон, Ироқ ва Мовароуннаҳрдан Йидил бўйидаги шаҳарларга, рус ерларига қатнайдиган карвонлар шу шаҳарда тұхтаб, турли мамлакатлардан келтирган молларининг бир қисмини йўл харжи учун шу ерда пуллар, керакли молларни харид этар эдилар. Бу ерда юнонийлар, суряниклар, араблар, русларни учратиш мумкин эди.

Абу Абдулло билан Абу Наср илм ва санъат аҳлига ҳомийлик қилгани учун бу ерга турли мамлакатлардан олимлар, шоирлар йигила бошладилар.

<sup>1</sup> Кот — илгари Шоббоз шаҳри, ҳозир унга Беруний номи берилган.

Бир куни Абу Наср шаҳар ташқарисидаги мактабдор домладап зеҳни ўткир, ўқиган, эшигтан нарсасини сира эсдан чиқармайдиган қобилиятили бир боланинг таърифи-ни эшигиб, уни кўришини истади.

У катталардек салом бериб кирган тўққиз-ўн яшар, дўнг иешана болага тикилиб, номи ва отасининг исмини суради.

Гарчи мактабдор домладан ушинг номини эшигтан бўлса-да, хотиридан кутарилган эди.

— Отим Муҳаммад, отамининг отлари Аҳмад экан.

Абу Наср тап тортмай жавоб қилган болага қараб ўйлаб қолди.

У вақтларда отаси ва ўзишининг исми помаълум бўлган болаларни Муҳаммад иби Аҳмад деб чақирар эдилар.

— Отангни кўрганимисан?

— Йўқ, чақалоқлигимда ўлиб кетган эканлар.

— Ҳозир сени боқаётган кампир ўз сиангми?

Оқ яктакли Муҳаммад ямоқ тушган елкасини қисиб:

— Бўлмаса-чи,— деди.

Абу Наср тахмини тўғри чиққанини фаҳмлаб, боланинг юнини суриншириб ўтирмади ва уни имтиҳон қилиб кўрди.

Муҳаммад ҳарфларни яхши билар, қуръонин тутилмай ўқий олар эди. Шу ёшдаги кўн болалар айрим сурнларни ёд олиб, уларни тутидек ёдаки ўқий билар, аммо хат етолмас эдилар. Муҳаммад эса том маъносин билди саводҳон, ёзув-чиズув қўлидан келар эди. Иби Ироқ ҳайрони бўлиб, унга тикилиб қолди. Кейин:

— Нима билан тирикчилик қиласизлар?— деб сўради.

— Бизми? Чўлдан эшакда саксовул келтириб сотамиш. Мен тагин ҳар хил утларни, уларнинг уругини йиғиб келиб, бир юнонийга пуллайман.

Миндай бўлсан, сени гиёҳларининг помини ҳам биларсан. Мана бу нима?— Абу Наср токчадан барглари манда қуруқ утни олиб кўрсатди.

— Олабуга. Юнончаси «рам-рам».

— Бу чи?

— Затъфар — Анихус.

— Ие, сени буларнинг юнонча номини қаёқдан биласин?— деб сўради иби Ироқ ёқасини ушлаб.

— Уша юноний ўргатган. Қўзиқоринни футр дейдилар.

— Баракалла.

Абу Наср боланинг хотираси зўрлиги, бир эшитган нарсасини эсида олиб қолишига ишонди. Шу билан бирга Мұҳаммад ҳозиржавоб, юракли бола бўлиб, берилган саволларга тортинмай жавоб берар, ганчкор токчалардаги чарм муқовали китобларга қарап эди. У шакли кулчага ухшаган, ичи бир неча қават бўлиб, ҳар бир қаватига донралар чизилган асбобга тикилиб:

— Бу нима? — деб сўради.

— Устурлоб. Қўй, ушлама,— деди уй эгаси устурлобнинг бандини ушламоқчى бўлган боланинг қўлни четга олиб қўйиб.— Агар ўқисанг, унинг бандидан ушлаб айлантиришни, офтоб ва ойнинг осмондаги ҳолатини белгилашни ўргатаман. Ақлли, одобли бўлсанг, сени үзимга шогирд қилиб оламан. Оёғингга этик, устингга чопон олиб бераман.

Бола ишонқирамай:

— Агар хоҳласангиз, сизга жон деб шогирд бўлардим, ўқитганингиз учун ҳар ҳафта ўтихонангизга чўлдан бир эшак саксовул келтириб берардим,— деб юборди.

Бу норасида фақир боланинг юракдан чиқариб айтган сўzlари иби Ироққа қаттиқ таъсир қилди. Кўнгли юмшаб:

— Сен яхши ўқисанг, шунинг ўзи кифоя. Бир хил домлаларга ухшаб ўқитганим учун ҳақ талаб этмайман,— деди.— Сендан турли гиёҳларни сотиб олатурган аниви юнонини ҳам чақирирамиз, у сенга юнон тилини ўргатсин.

Шу кундан бошлаб, Мұҳаммад иби Аҳмад мұҳтоҗлик балосидан қутулиб, бутун куч-ғайратини илм ўрганишга сарф этди. Иби Ироқ унга ҳисоб ва ҳандаса илмидан, Абу Саҳл — христиан динидаги ёшгина бир муллавачча эса араб тили ва илми табиатдан дарс бера бошлиди.

Бир кунни иби Ироқ Абу Саҳлдан Мұҳаммадининг қандай ўқиётганини суриштирди.

— Одам боласи шу қадар зеҳнли бўлади, деб ўйламаган эдим,— деб жавоб қилди ёш мулла.— Ҳар куни ўн икки сўзни хотирида олиб қоладур. Мияси чарчамасин, деб кунда ўнтадан ортиқ сўз ўргатмасликка ҳаракат қиласман. Ишқилиб, кўз тегмасин-да.

— Шавқ-завқ билан илмга берилган кишининг мия-

си чарчамайдур». Унга кўз тегади, деб асло қўрқманг. Иродасиз, гайратсиз одамларгини кўзикадурлар.

— Рост айтдингиз. Муҳаммад жуда ақлли, ўзига нишиқ бола. Қулоғига кирган ҳар гапга инона бермайдур. Унинг китоб ўқиб чарчамаганига ҳайронман.

Ибн Ироқ унинг гапидан завқланиб кулди.

\* \* \*

Муҳаммад устозининг кутубхонасидан чиқмас, кечаю кундуз китобдан бош кўтармасди. Бир куни иби Ироқ унинг қулидан Арастуининг «Мобаъдат табиат» деган китобини тортиб олиб токчага қўйди.

— Аввал илми ҳисоб, ҳандасани ўрган, фалсафага ҳали тишинг ўтмайди,— деди ва шогирдининг қулига Иқлидусининг «Ҳандаса»сини тутқазди.— Энг аввал берилган сабоқларни тайёрла. Ҳозирча Арастуни тиш қўя тур!

— Берган сабогингизни тайёрлаб булиб, Арастуни қулга олган эдим.

— Тушунмасанг, нима қиласан ўқиб?

— Яхши англай олмасам ҳам, ўқинганимда қулогимга узоқдан ёқимли бир овоз келгандек бўладур. Мусиқа тинглагандек роҳат қиласман.— У ҳозиргина ёд олган бир парчани қироат билан ўқиб, устозини ҳайратда қолдириди.

Шундан кейин Абу Наср шогирдининг қулида Арасту, Форобийнинг асарларини қўрса ҳам, индамайдиган бўлди. «Майли, ўқий берсин, ёд олсин, ахир бир кун тушуниб олар», деб ўйлади у.

Беруний, яъни шаҳар ташқарисида яшовчи одам, қишлоқи деб ном олган ўспирин ўн беш-ун олти ёшдаёқ фалсафа, мантиқ, илми фалакка доир асарларни ўқиб, яхши гушунадиган, қуёш ва сайёralарининг осмондаги ҳолатларини кузатадиган бўлди.

Иплар ўтган сари зеҳи булогининг кўзи очилиб, илмга ташна бўлган ёшлар ундан баҳраманд бўла бошлидилар.

Беруний буш вақтларида шеър ўқир, диний китобларни мутолаа қиласа эди.

— Муқаддас китобларда кишининг кўнглини хижил қилатурган ерлар бор,— деди у бир куни устози кутубхонага ташриф буюриб, тепасига келганида.— Ўтиринг,

жүнглимдаги шак-шубча тугунларини ечишга ёрдам беринг. Тавротда, худо оламни олти кунда яратди, биринчи куни еру осмонни, учинчи, яйни чоршанба куни ой билан қүёшни яратди, дейилган. Ҳолбуки, кун ва туннинг сабабчиси — чиқиб, ботиб турадиган офтоб-ку. У биринчи куни яратилиши керак эди, ахир...

— Бас қил,— деди Абу Наср унинг сўзини оғзидан олиб.— Шаккоклигинг бошингга етмаса эди! Муқаддас китобларни илми мантиқни ўрганмасдан бурун ўқимоқ керак.

У шу маҳалгача ҳеч ким пайқамаган ҳақиқатга идро-ки етган шогирдининг фаҳм-фаросатига қойил қолди, лекин шаккоклик йўлига кириб, фалокатга йўлиқишидан қўрқиб, унга эътиroz билдириш учун далиллар ахтара бошлади.

— Худонинг куни бизнинг бир кунимиз билан тенг эмас,— деди у ниҳоят.— Қуръонда, худонинг куни сизнинг эллик минг йилингизга тенг, дейилган. Англадингми? Қел, энди бу тӯғрида баҳслашиб ўтирмайлик. Сен эпди илоҳият бобидаги тадқиқотларингни тұхтатиб, илми табииёт ва жуғрофия билан шуғуллан.

Беруний қадимги юнон ва Үрта Осиё жуғрофиюнларининг асарларини ўқишига киришиб кетди. Батлимус<sup>1</sup> ер куррасининг глобусини ясаш йўлларини ўргатган эди. Йигирма бир ёшга кирган ёш олим қутри (диаметри) етти газ келадиган катта глобус ясади.

Турли мамлакатлар, шаҳарларнинг жуғрофий мавқеи ораларидаги масофани белгиловчи чизиқлар чизди. Ҳатти устувонинг<sup>2</sup> жанубида қуруқлик йўқ, деб ўйлагани учун уни кўк рангга бўяди. Бундан бошқа самовий жисмлар устидан мушоҳада олиб бориш учун устурлоблар, бурчак ўлчайдиган катта асбоблар ясади. Олиб борган мушоҳадаларини катта бир дафтарга ёзиб борди.

## II

Шу вақтда Жайҳун устида фалокат булутлари пайдо бўла бошлаган эди. Гурганж амири Маъмун бинни Муҳаммад Хоразмшоҳ Абу Абдуллони йиқитиб, ўзи ягона подшо бўлиш, пойтахтни Гурганжга кўчириш ниятига

<sup>1</sup> Ватлимус — Птолемей.

<sup>2</sup> Ҳатти устуво — экватор.

түшгән, уруш очиш учун баҳона қидира бошлаган эди. Беруний эса имконият эшиклари ёпилмасдан буруң қүеш устида олиб бораётган кузатишларини охирига етказишишга шошиларди. Мовароуинахрда ҳам тинчлик бузилган, лашкарбошилардан гоҳ упниси, гоҳ буниси исён құтариб, сомонийлар давлатининг чириган устунларини силкитиб йиқитишишга уринар эдилар.

Хоразмшоҳ Абу Абдулло бу воқеаларни ташвиш билан кузатар, уларнинг ўз тақдирига қандай таъсир күрсатиши устида бош қотирар, лекин ўйлаб ўйининг тагига етолмас эди.

Бир куни у токчалари гапчкор, даричасини олтин нақшлар безаган ҳужраи хосида амакиваччаси билан гаплашиб ўтирганида шу тұғрисида гап очди:

— Сипоҳсолор Абу Али ибн Симжур сомонийлар бозига битган бало бұлди. Мана, бир неча йилдирки, ул нобакор Нуҳ бинин Мансурга қарши исён байроини құтариб, Мөвароуиннахрниң тинчини бузыб келмоқда. Кечагина Бухородан келган чопар қизиқ бир хабар келтирди: «Нуҳ бинни Мансур Фазна вилоятининг ҳокими Сабуктакин билан аниң гли Маҳмудни ёрдамга чорлабдур. Ўйлайманки, ота-бола исёнкор сипоҳсолорни ажал қоҳига жойлагайлар».

— Илоё айтганинг келсин. Юртниң тинчин бузган исёнкорлар ўлимга сазовордурлар,— деди Абу Наср.

Орадан күп вақт ўтмай, Ҳазораспдаң келған нома Абу Абдуллони қаттиқ ҳаяжонға солди. Ҳазораси ҳокими Абу Алининг енгилиб, Хоразмга қочгани, ҳозир шаҳар яқинидаги бир қишлоққа етиб келгашини билдирган ва уни асир қилиб олишга рухсат сұраган эди.

— Дарҳол асир олиб, пойғахтга юборсии,— деди Абу Абдулло сарой вазирига.— Қўл-оғини boglab, Бухорога юборгаймиз.

— Ижозат бер, бир сұз айтай,— деди Абу Наср Мансур.— Аввал ўйлашиб күрайик. Бемаслаҳат ишнинг оқибати на булишини ўзиниг биласап. Эҳтимол, Нуҳ бинни Мансур аниң гуноҳидан ўтиб, Маъмун ихтиёриға юбораётгандир. Агар биз...

— Нуҳ аниң гуноҳидан ўтиши мүмкін эмас,— деб юборди. Абу Абдулло қизишиб.— Қорабугрохон Бухорога яқинлашганида Абу Али аниң томонига ўтиб, шаҳар дарвозасини очиб берган эди. Нуҳ Бухорони қайтиб олгач, ул нобакор Балх ҳокими сотқин Фонқ билаң иттифоқ

тузиб, исён байроғини баланд күтардай. Агар Сабуктакин үз ўғли билан ёрдамга келмаганида сомонийларнинг ҳоли нима кечар эди. Эмди ул нобакор мағлубиятга учраб қолган экан, бизнинг вазифамиз ани асир олиб, Нуҳ бинни Мансурга топширмоқдир.

Бундай шошилинч қадам ташлашга қарши бўлган сарой вазири афв сўраб, бир сўз айтмоқчи эди, Абу Абдулло унга сўз бермади.

— Абу Али Симжурда менинг хусуматим бор. Эсингда бордир. Нуҳ бир вақтлар менга Обивардин берган эди. ул исёнкор нобакор ўшал обод шаҳарни забт этиб, менинг аскарларимни киритмади. Шунинг аламидан чиқолмай юрар эдим, эмди ўч олмоқ фурсати келди. Қўлёғи банд душман билан сўзлашмоқ нақадар завқли!. Менинг амрим шул: дарҳол ани асир олиб, олдимга келтиурсинлар! Биз анинг додини бериб, сўнгра Бухорога тортиқ қилиб юборгаймиз.

Сарой вазири ноилож бош эгиб, фармони олий ҳозирлагани чиқиб кетди.

\* \* \*

Ёш олим Амударёning ғарбий соҳилидаги бир қишлоқда офтоб даврасининг энг баланд нуқтасини аниқлашга уриниб турганда, Абу Насрнинг бир мулозими унинг елкасига қўл тегизиб:

— Сизга халақит берганим учун кечиринг,— деди.— Сизни устоз чорлаётирлар.

— Нима ҳодиса бўлди? Тинчликми?— деб суради Беруний, офтобни кузатавериб қизариб кетган кўзларини қўли билан ишқалаб.

— Тинчлик бўлганида сизни безовта қилмаган бўлур эдилар. Гурганж амири, Абу Алини озод этаман, деб юриш бошлаган эмиш. Бир ҳафта ўтмай, шаҳримизни босиб олса керак.

— Худо кўрсатмасин у кунларни. Гурганж амиридек золим юртимизга хожа бўлса, ҳолимизгавой! Орқамизда таассуб қамчиси ўйнагусидир... Сиз манави устурлобни кутариб олинг,— деди Беруний бошқа бир асбони қўлга олиб.

Юз-қўзини соқол босган мулозим эшкак эшар экан, тинмай вайсар эди:

— Бир қозонда... икки қўчкорнинг боши қайнамас..

Амир бизнинг шохдан бой... аскари кўп... карвон саройлар... қул бозорлари... ажнабий савдогарлардан озмунча бој... тушади деб ўйлайсизми?

Улар унг қирғоққа утиб, қайнекни қозиққа боғладилар, асбобларни олиб, сарой томон жұнадилар.

Кечаси билан ухлай олмай күзлари киртайб қолган Абу Наср Мансур иби Ироқ шогирдини панага тортиб:

— Бу ердан кетиш керак. Анжомларингни йигишириб, йул ҳозирлигини кур. Тонгда Абу Вафонинг карвони Рай шаҳрига кетар экан,— деди.

Беруний ҳеч нарсага тушунмай, унга савол назари билан қараб қолди.

— Сен офтобни кузатаман деб, ерда булаётган күп ҳодисалардан бехабар қолгансан. Ҳазорасп ҳокими Абу Алини занжирибанд қилиб, бу ерга юборганидан хабар тоған Маъмун аскар түплаб, сафарга чиқсан эмиш. Биз Абу Али Нуҳ бинни Мансурдан қочиб келаётир, деб ўйлаган эдик, ҳолбуки, Бухоро ҳукмдори анинг гуноҳидан утиб, Гурганж амири ихтиёрига жұнатған экан.

— Амирга баҳона топилибди-да, Абу Алини озод этаман, деб қилич ялангочлади, денг.

— Шундоқ. Бизнинг саркардаларимиз анга сотилған. Уч-түрт кун ичиде амир пойтахтга бостириб кирса керак. Тезроқ жұна.

— Андоғ бўлса, сиз ҳам мен билан бирга кетинг.

— Йўқ, шул ерда қоламан. Кетиб қолсам, амир менинг тўғримда шубҳага тушгусидур. Ахир мен африғийлар уругиданман. Осмонга чиқсам — оёғимдан, ерга кирсам — қулоғимдан тортадур. Дасти дароз. Яхвиси, таслим була қолай.

— Шундоқ юртимизни, сиздек азиз устозни ташлаб кетаманми, а?

— Бошқа илож йўқ. Одам ўзини хавф-хатардан олиб қочмоғи лозим. Эҳтиёткорлик қўрқоқлик эмас.

— Тажриба соҳиби бўлган донишманд одамларнинг маслаҳати — саодат йўлини очиб берадур, деганлар машийхлар. Менга оқ фотиха беринг, бориб сафар анжомини ҳозирлай!

Болалигидан бошлаб, турли гиёҳлар ва уларнинг хосиятини билишга қизиқсаны учун Абу Райҳон лақабини олган Муҳаммад Аҳмад ўғли ўзига керакли буюмларни бўғжомага жойлаб, тонг саҳарда карвон билан йўлга чиқди.